


# МММК фани амалий машғулот


**МАВЗУ:**

**МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ  
БЎЙИЧА “КЕЛИШУВЛАР”  
ТУЗИШ**



## ■ **Ишнинг вазифаси:**


1. Ишлаб чиқаришдаги жамоа келишувларининг турларини, мазмун ва моҳиятини ўрганиш.
2. Жамоа келишувларини тузиш тартибини ўрганиш.
3. Берилган топшириққа асосан “Жамоа келишуви”нинг шаклини тўлдириш.





# Асосий маълумотлар:


## Жамоа келишувининг аҳамияти ва турлари.

- Жамоа келишуви корхона доирасидан анча юқори поғонада турадиган шартномадир.
- Жамоа келишувлари муайян касб, тармоқ, ҳудудга тегишли ходимлар учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатларни белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олган муҳим меъёрий ҳужжат ҳисобланади.
- Бундай келишувлар ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузиладиган шартноманинг аниқ бир туридир.
- У корхона доирасидан юқорироқ поғонада турган иш берувчилар (уларнинг уюшмалари) билан ижтимоий шерикчиликни амалга оширадиган марказий вакиллик органи ўртасида тузилади.
- Ҳуқуқий ҳужжат сифатида у иқтисодиёт объектларининг барча турларида, ҳудуд ва минтақаларда татбиқ этилади.

- 
- Жамоа келишувининг турлари Меҳнат кодексининг 47–50-моддаларида аниқ кўрсатиб ўтилган [6]. Жумладан, тартибга солинадиган муносабатлар соҳаси, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг хусусиятларига қараб, **бош келишув, тармоқ келишуви, ҳудудий (минтақавий) жамоа келишуви** тузилади.
  - Ушбу келишувларнинг ҳар бири ўзининг аниқ иштирокчиларига эга бўлиб, амал қиладиган соҳасидаги (масалан, соҳа, ҳудуд, ходимлар гуруҳи) муносабатларни тартибга солади ҳамда қонунчиликда белгилаб қўйилган шартларни ўрнатади.
  - Жамоа келишувлари музокараларда иштирок этаётган тарафларнинг келишувларига мувофиқ, **икки тарафлама ва уч тарафлама** бўлиши мумкин.
  - Келишувни тузиш вақтида тараф сифатида ижроия ҳокимият органи ҳам иштирок этиши мумкин.

- 
- Қоидага кўра, бош келишув Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчиларнинг Республика миқёсидаги бирлашмалари ўртасида тузилади. Тарафларнинг келишувига кўра, Ўз.Р. ҳукумати билан ҳам бош келишув тузилиши мумкин.
  - Бош келишув Ўз.Р.да ижтимоий-иқтисодий муносабатлар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб беради.
  - Бош жамоа келишуви иш берувчилар бирлашмаси (уюшмаси) билан тузилиши керак. Фақат тарафларнинг таклифи билангина ҳукумат бу ҳужжатга жалб қилиниши мумкин, яъни бош келишув учта тарафнинг келишувидан иборатдир.
  - Тармоқ келишувлари тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида ҳамда тарафларнинг таклифига биноан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан тузилади (МК 49-моддаси).
  - Тармоқ келишувлари муайян тармоқни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, меҳнат шартлари ва унга ҳақ тўлаш, тармоқ ходимларининг (касбдошлар гуруҳининг) ижтимоий кафолатларини белгилаб беради.

- 
- **Ҳудудий (минтақавий) келишувлар** тегишли касаба уюшмалари (ҳодимларнинг бошқа вакиллик органлари) билан иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида тузилади.
  - Тарафларнинг таклифига кўра, бундай келишув маҳаллий ижроия ҳокимият органи билан ҳам тузилиши мумкин.
  - **Ҳудудий (минтақавий) келишув муайян** ҳудуднинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг шартларини белгилайди.

- 
- Қоидага кўра, **жамоа келишувларини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби, муддатлари** тарафларнинг тенг ҳуқуқли вакилларидан иборат комиссия томонидан белгиланади ва унинг қарори билан расмийлаштирилади (Меҳнат кодексининг 32-моддаси).
  - Ходимларнинг тегишли поғонадаги вакиллик органлари (уларнинг бирлашмалари) бир нечта бўлган тақдирда, улар танлаган комиссия аъзолари шу органлар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади.
  - Жамоа келишувининг лойиҳаси комиссия томонидан имзоланади. Сўнгра жамоа келишуви ва унинг иловалари **етти кун муддат** ичида келишув иштирокчиларига юборилади. Шу муддат ичида рўйхатдан ўтказиш учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги органларига юборилади.


# Жамоа келишувининг мазмуни ва МОҲИЯТИ.


МК 52-моддасига асосланиб, жамоа келишувларининг матнида меҳнат ҳуқуқининг барча институтларига оид масалаларни акс эттириш мумкин. Бу масалалар тарафлар томонидан белгиланади.


## Жамоа келишувларида:


- меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартлари, уни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш тартиби;
- нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, келишувларда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;
- энг кам миқдори қонун ҳужжатларида назарда тутилган компенсация тарзидаги қўшимча тўловлар;




- 
- ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни қайта ўқитишга кўмаклашиш;
  - экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш;
  - ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича махсус тадбирлар;
  - давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
  - ногиронлар ва ёшлар (шу жумладан 18 ёшга тўлмаган шахслар) меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойларини ташкил этувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар;
  - ижтимоий шерикчилик ҳамда уч тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга кўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қоидалар акс эттирилиши мумкин.


- 
- Жамоа келишувларида меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин.
  - Жамоа келишувига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш унинг ўзида белгиланган тартибда, тарафларнинг ўзаро розилигига асосан киритилади. Агар жамоа келишувида бу назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда Меҳнат кодексида белгиланган тартибда уни тузиш амалга оширилади.
  - Жамоа келишуви у имзоланган пайтдан ёки келишувда белгиланган вақтдан бошлаб кучга киради.
  - Жамоа келишувининг амал қилиш муддати тарафлар томонидан белгиланади ва у **3 йилдан** ошиб кетмаслиги лозим.

- 
- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан 2008 йил 26 августда “Жамоа келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилиш тўғрисида”ги низом қабул қилинган.
  - Ушбу низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Ҳаракат дастурига биноан ишлаб чиқилган бўлиб, жамоа келишувлари лойиҳаларини тайёрлашда касаба уюшмалари органларига амалий ёрдам кўрсатиш учун жорий этилган.
  - Жамоа келишувлари лойиҳаларининг экспертизаси уларнинг Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ва мазкур жамоа келишувига нисбатан амал қиладиган юқори миқёсдаги жамоа келишувларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.


- 
- Экспертизани тезкор ва сифатли ўтказиш учун касаба уюшма органи Раёсати қарори билан тегишли комиссия тайинланади.
  - Комиссия аъзолари (экспертлари)нинг сони Раёсат томонидан белгиланади ва одатда унинг таркибига:
    - Ҳуқуқий масалалар,
    - меҳнатни муҳофаза қилиш,
    - маданият ва спорт,
    - молия, ижтимоий суғурта, ташкилий ишлар,
    - Меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш,
- бўйича мутахассислар киритилади. Касаба уюшма органи раҳбарининг ўринбосари комиссия раиси, мутахассисларнинг бири эса комиссия котиби этиб тайинланади.

- 
- Жамоа келишуви лойиҳасида ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлар аниқланса, комиссия котиби ўз хулосаси билан жамоа келишуви лойиҳасини тақдим этган касаба уюшма органига нуқсонларни бартараф этиш муддатини белгилайди.
  - Нуқсонлари бартараф этилган келишув лойиҳаси яна бир бор эксперт комиссиясига тақдим этилади, эътироз ёзиб берган ҳар бир экспертга қайтадан кўрсатилади ва улардан нуқсонлар бартараф этилгани тўғрисида ёзув имзо билан олинади. Шундан кейингина эксперт хулоса комиссия раиси томонидан тасдиқланади.


- Тарафлар томонидан имзоланган жамоа келишуви, унинг иловалари **етти кунлик муддат** ичида келишув иштирокчиларига, шунингдек билдириш рўйхатидан ўтказиш учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органларига юборилади.
- Қонунчиликда **жамоа келишувларининг бажарилишини текшириб бориш** асосан тарафлар ваколатига киритилган.
- МК 56-моддасида таъкидланганидек, барча поғонадаги жамоа келишувларининг бажарилиши бевосита тарафлар ёки улар ваколат берган вакиллар томонидан текшириб борилади.
- Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ҳам жамоа келишувларининг бажарилиши текшириб турилади.
- Текшириш жараёнида тарафлар назоратчилар томонидан талаб қилинган барча керакли маълумотларни сўзсиз тақдим қилишлари шарт.



- Жамоа шартномаси ва келишувлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги талабларни бузганлик учун жавобгарлик масаласи МКнинг 34-моддасида батафсил баён этилган.
- Ушбу моддада иш берувчининг вакиллари қандай ҳолатларда жавобгар бўлишлари аниқ кўрсатилган. Ушбу моддада белгилаб қўйилган ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши деб баҳоланади ва қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортишга асос ҳамда сабаб бўлади.




# Топшириқ: жамоа келишувлари турларининг кластертерини тузинг.





# Назорат саволлари

1. Жамоа келишувининг аҳамияти нимадан иборат?
  2. Жамоа келишувининг қанақа турлари бор?
  3. Жамоа келишувининг мазмуни ва моҳияти нимадан иборат?
  4. Жамоа шартномаси ва келишувлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги талабларни бузганлик учун қанақа жавобгарлик мавжуд?
  5. “Жамоа келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилиш тўғрисидаги низом” қачон қабул қилинган?
  6. Жамоа келишувининг амал қилиш муддати неча йилгача қилиб белгиланган?
  7. Жамоа келишувидаги камчиликларни бартараф этишнинг тартиби қанақа?
  8. Қонунчиликда жамоа келишувларининг бажарилишини текшириб бориш кимга юкланган?
- 

Эътиборингиз учун раҳмат!

